Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ИЙЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 11 (5. 902) • 1986 йил 14 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш, 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли уддалаш учун социалистик мусобақани авж олдириб муҳим халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми бўйича 1985 йил январь-декабрь ойлари давлат планини муддатидан олдин бажаришди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик планини 102,2 процент, товар маҳсулот ишлаб чиқариш планини 101,1 процент бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 1984 йилнинг шу даврига таққослаганда 105,9 процентни, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати 104,7 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш 1,4 процентга тенг бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ошириш 79,6 процентни, маҳсулот таннархини планга қўшимча камайтириш 0,2 процентни ташкил этди.

Шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш бўйича 1985 йилнинг январь-декабрь ойлари плани 98,1 процент уддаланди. Киров ва Сергели районларидан бошқа шаҳардаги барча районлар маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик топшириқни бажаришди.

Ленин, Ҳамза, Собир Раҳимов районлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати бўйича энг яхши натижаларга эришдилар.

1985 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳри саноати планга қўшимча 85 миллион 611 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Акмал Икромов райони 394 минг сўмлик, Куйбишев райони 7053 минг сўмлик, Ленин райони 10048 минг сўмлик, Октябрь райони 5991 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 3842 минг сўмлик, Фрунзе райони 3959 минг сўмлик, Ҳамза райони 57987 минг сўмлик, Чилонзор райони 1891 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

— «Средазэлектроаппарат», «Қизил тонг», «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмалари;

— электрон-техника, «Узбексельмаш», «Компрессор», «Миконд», «Средазгазавтоматика», лак-бўёқ, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари;

— Қоғоз, ўйинчоқлар, кенг истеъмол буюмлари, бош кийимлар фабрикалари;

— ёғ-мой, булка-кондитер комбинатлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда яхши натижаларга эришдилар.

Шаҳар индустрияси 1985 йилнинг январь-декабрь ойларида мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 389 километр шланг, 64 километр сигнал-блокировка симлари, 33 та компрессор, 21 та йигирув машинаси, 50 та трактор, битта электр-кўприк крани, 25 та пахта териш комбайни, 6 та экскаватор, 54 та чигит экиш сеялкаси, 7 та чанглагич-пуркагич, 314 минг сўмлик устки трикотаж буюми, 72 минг жуфт пойфзал, 13777 тонна озуқа-ем, 578 тонна макарон маҳсулоти, 582 тонна ўсимлик мойи, 893 тонна маргарин етказиб берди.

Шаҳардаги кўпчилик саноат корхоналари ўзларининг шартнома мажбуриятларини амалга ошира бориб, буюртмачиларга муҳим халқ хўжалиги маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш йиллик планини муваффақиятли уддалашди. Шунга қарамасдан, қатор корхоналар 1985 йил январь-декабрь ойлари иш якунига кўра саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик планни уддалай олмадилар. Уларнинг қаторида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш, «Чевар» тикувчилик бирлашмалари, заргарлик, «Узбекхлопкомаш», 4-йирик панелли уйсозлик, ҳажмли-блокли уйсозлик, Сергели ёғочни қайта ишлаш, грампластинкалар, 11-дон маҳсулотлари заводлари, «Ўртоқ», тамаки фабрикалари, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати, трикотаж моделлари уйи ва бошқа корхоналар бор. Улар томонидан 20.173 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинмай қолди. Айрим корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича топшириқларини уддалай олмадилар.

Шаҳардаги барча районларнинг ишлаб чиқариш коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида буюртмачиларга маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 1 процентга ошириб бажариш, маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процентга камайтириш бўйича социалистик мажбурият қабул қилишган эди. Бироқ барча саноат корхоналари ва районлар белгиланган маррани эгаллади, деб бўлмайди.

Бу кўрсаткич Фрунзе районида 95,2, Киров районида 95,8, Октябрь районида 97,6 процентни ташкил этди. Киров ва Сергели районлари саноат корхоналарининг коллективлари меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстиришни таъминлай олмадилар, Октябрь, Ленин ва Фрунзе районларида маҳсулот таннархи 0,3 процентга қимматлашиб кетди.

Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик план ва мажбуриятни уддалай олмаган саноат корхоналарининг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда 1985 йилдаги хўжалик-иқтисодий ишлар якунини чуқур таҳлил қилишлари, қолоқликни бартараф этиш учун резервларни ишга солишлари лозим.

Янги техника ва технологияни жорий этиш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, ишлаб чиқариш механизмини такомиллаштириш, меҳнат интизоми ва тартибни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Янги беш йиллик — жадаллаштириш ва сифат беш йиллигидир. Шу боисдан ҳам тежамкорликка алоҳида эътибор берилиши лозим. Кам харажат билан топшириқларни уддалашга эришмоқ зарур.

Ишнинг манфаати меҳнат коллективларининг январь ойи топшириқларини, биринчи квартал топшириқларини, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришига эришиш учун партия ташкилотларининг жойларда ташкилий ва сиёсий ишларни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Ана шунда КПСС XXVII съезди муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олинади.

15 ФЕВРАЛЬ — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг фабрика ва цехларида кўп сонли митинг бўлиб ўтди.

Унда қатнашган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар КПСС XXVII съезди шарафига шу йилнинг 15 февраль куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги мамлакатимиз илғор корхоналари коллективларининг ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

— Мен съезд шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини қувватлар эканман, — деди митингда сўзга чиққан 1-тикувбичув цехининг ишчиси, II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг кавалери, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, тикувчи-мотористка А. Просина,— шу куни ишлаб чиқариш планини 120—130 процентга етказиб бажаришга ҳаракат қиламан, бошқа касбдошларимни ҳам кўтаринки руҳда ишлашга чақираман.

Митингда сўзга чиққан коммунистик меҳнат зарбдорлари, цех партия ташкилотининг бюро аъзолари Ф. Йўлдошева, К. Миноварова, цех бошлиғи ўринбосари коммунист Г. Мирзаевалар шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватладилар.

Митингда корхона асосий тўқув цехининг тўқувчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари Р. Мирзаева ва Р. Сулаймоновалар шанбалик куни стахановчасига ишлаб, аъло сифатли маҳсулот топшириш-га ваъда беришди. Шу билан смена топшириқларини 120—125 процентга етказиб адо этишга аҳд қилишди.

Тошкент область XXII партия конференцияси делегати

СЕҲРЛИ ҚЎЛЛАР

Биз шошилинч пайтларда телеграфга югурамиз, телефонда гаплашамиз, узоқ-яқин таниш-билишларимиз, қариндош-уруғларимизнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўламиз. Уларнинг қувончидан севиниб, ташвишларига шерик бўламиз. Олис шаҳарларда хизмат қилаётган ўғилларимиз ёки укаларимиз билан телеграф ёки телефон орқали хабарлашганимизда-ку асти кўяверинг. Бунинг қувончига не етсин! Ҳолбуки ҳар куни минглаб кишилар ҳожатини чиқараётган алоқа хизмати ходимларининг меҳнати қанчалик оператив ва машаққатли эканлигини кўпинча хаёлимизга келтиравермаймиз. Ана шулардан бири Светлана Николаевнадир.

Уни оддийгина Света деб чақиришади. У республика марказий телеграфида алоқа монтёри бўлиб ишлайди. Ҳамма жойда бўлганидек, унинг ҳам ҳар бир дақиқаси ҳисобда. Ишнинг кўзини билиш, яхши мутахассис бўлиш билан бирга, айниқса, бу ишда тезкорлик, уддабуронлик муҳим аҳамият касб этади. Сир эмас, уни корхоналарда, илмий марказларда тез-тез йўқлаб туришади. Чунки у ўша жойларга тезликда бориб, телетайп системасидаги носозликларни ўз вақтида тузатиши зарур. Бу эса юзлаб одамлар қувончига-қувонч қўшиш, уларнинг ишини енгиллатиш демакдир.

Шаҳар алоқаси цехида уни каттадан-кичик ҳамма ҳурмат қилади. Ахир бу ерда у ўн йилдан бери фидокорона, сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти-да. Бу йиллар ичида оддий шогирдликдан коммунистик меҳнат зарбдори даражасигача шарафли йўлни босиб ўтди.

Бундан ўн йилча муқаддам 4-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанида нозиккина қизча эди. Кундалик қайноқ ҳаёт бағрида, жўшқин меҳнат қучоғида у ҳам жисмонан, ҳам маънавий чиниқди, камол топди.

Светлана Ионкина бугунги кунда ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист олдига катта ва муҳим вазифалар қўйилаётганини яхши тушунади. Коммунист қаерда бўлмасин фидойи бўлиши, бошқаларга намуна кўрсатиши керак. Светлана ҳамиша ана шундай бўлишга интилиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми маъқуллаган съездолди ҳужжатлари— СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳаларини коммунистлар, барча меҳнатчилар ўртасида кенг тушунтиришда, коммунистлар, ишчи-хизматчиларнинг ташаббускорлиги ва активлигини оширишда у ҳозир айниқса жонбозлик кўрсатяпти. У ўтказган суҳбатлар, цех коммунистлари, барча меҳнатчиларининг қалби ва онгидан чуқур жой олмоқда.

Кишиларга хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш унга шараф ва обрў келтирди.

Айниқса, коммунистлар уни Тошкент область XXII партия конференциясига делегат қилиб сайлашганда зиммасидаги масъулият бир неча баробар ошганлигини, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самарали ва сифатли меҳнат қилиши, барча соҳада бошқаларга намуна бўлиши кераклигини дилдилдан ҳис этди. Ҳа, ҳамма ҳам бундай шарафга муяссар бўлавермайди. Коммунистлар ишончини оқламоқ учун фидойилик билан ишлаш, янада ташаббускор бўлиш лозим. Энди у фақат ўзи учунгина эмас, балки дугоналари, бутун коллектив иши учун ҳам масъулдир!

Ҳа, биз шошилинч пайтларда телеграфга югурамиз, телефонда гаплашамиз. Бунда эса хаёлан Светлана Николаевна Ионкина ва унинг ўнлаб ҳамкасблари сеҳрли қўлларига, кишилар тўғрисидаги жонкуярлигига ич-ичимиздан тасаннолар айтамиз. Сеҳрли қўлларингиз толмасин, Светлана!

И. АКРОМОВ.

ЮКСАК УНУМДОРЛИК

Тошкент асбобсозлик заводи коллективи ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Йиллик план 10 декабрда адо этилди. Комбинат ишчилари ўн биринчи беш йиллиликнинг якунловчи йилида меҳнат унумдорлигини 32,3 процентга оширишга эришдилар. Маҳсулот таннархи эса 1,3 процентга арзонлашди.

Корхона аҳли планга қўшимча 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу юксак кўрсаткичларни қўлга киритишда пешқадам ишчилар Ҳ. Носиров, Ж. Жалилов, А. Назаров, З. Акромова, С. Иноғомовларнинг улушлари катта бўлди.

Корхонада шу кунларда съездолди мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Цехларароо беллашувда В. Левада бошчилик қилаётган 2-цех ва О. Мадраҳимов етакчилик қилаётган 13-цех коллективлари пешқадамлик қилишмоқда.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

НАВОИЙ, 13 январь. (ЎзТАГ). Бугун Навоий область партия комитетининг пленуми бўлди, унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум ишдаги камчиликлари учун В. П. Есинни область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Ленинград шаҳар Виборг район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган А. С. Ефимов Навоий область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашди.

* * *

УРГАНЧ, 13 январь. (ЎзТАГ). Хоразм область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди.

М. Худойберганов пенсияга чиқиши муносабати билан пленум уни область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган М. М. Мирқосимов Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

* * *

ГУЛИСТОН, 13 январь. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум В. А. Антонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган А. Ф. Клепиков Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, қишлоқ хўжалигининг 1986 йил биринчи ўн кунлигидаги иш якунлари кўриб чиқилди.

Бюро шуни таъкидладики, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорлари асосида экономикага раҳбарлик қилишнинг услуб ва методларини қайта қуриш юзасидан зарур чораларни кўрмадилар.

Область саноати ўтган йили планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажармади, минерал ўғитлар, пўлат прокати, кўмир ва бошқа маҳсулотларни тўла ҳажмда етказиб бериш таъминланмади. Ҳар 8 корхонадан бири маҳсулот чиқариш ва реализация қилиш планини, ҳар 5 корхонадан бири меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажара олмади. Шунга қарамай партия комитетлари ўтган йил якунларини лозим даражада таҳлил қилмадилар, давлат ва план интизомини бузган корхона ва ташкилот раҳбарларини партиявий жавобгарликка тортмадилар, ўтган йил қолоқликка йўл қўйилганлиги учун кадрларга қатъий талабчанлик қилмадилар, янги, 1986 йил планларини бажаришнинг бориши устидан биринчи кунлардан назоратни ўрнатмадилар. Мавжуд резервлар ҳали ҳам тўла ишга туширилгани йўқ, янги, 1986 йилни бир маромда бошлаш учун ҳамма иш қилинди деб бўлмайди. Биринчи ўн кунлик якунларига кўра, Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Калинин ва Ўрта Чирчиқ районлари саноати товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планини бажармаяпти. Айрим корхоналар ўртача суткалик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йил декабрь ойида эришилган даражадан пасайтириб юбордилар.

Шаҳар, район партия комитетлари КПССнинг ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш борасидаги йўлини амалга ошириш учун раҳбарларнинг масъулиятини ҳали ҳам етарли даражада оширмаяптилар. Планлаштиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Коллективларнинг ярми аниқлаштирилган планга эга эмас, бу планлар ҳамма жойда ҳам цехлар, участкалар ва бригадаларга етказилган деб бўлмайди. Бу ҳол меҳнат коллективларининг муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни қабул қилиш юзасидан ташаббусларига йўл очмаяпти. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан квартал планининг асосий қисмини сўнгги ойга кўчиришдек ярамас ҳолларни қатъий тўсиб қўймаяптилар.

Транспортда интизомни мустаҳкамлаш юзасидан иш суст олиб борилмоқда.

Агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан зарур тадбирларни кўрмадилар. Озуқадан фойдаланиш, молларни парвариш қилишда жиддий камчиликлар мавжуд. Бу ҳол уларнинг маҳсулдорлигига таъсир қилмоқда. Бўстонлиқ районида ҳар бир соғин сигирдан кунига соғиб олинаётган сут 4 килограммдан ошмаяпти, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент районларида бу кўрсаткич 5—6 килограммни ташкил этмоқда. Натижада давлатга сут топшириш плани бажарилмаяпти, давлатга гўшт топшириш суръатлари ҳам пасайиб кетди.

Партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари 1986 йил ҳосили учун баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик юзасидан зарур тадбирларни кўрмадилар. Суғориш тармоқларини тозалаш, органик ўғитлар тайёрлаш ва далага олиб чиқиш, техникани терим кампаниясига тайёрлашни тамомлаш ниҳоятда қониқарсиз суръатларда олиб борилмоқда.

Бюро шаҳар, район партия комитетларига, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларига, совет ва хўжалик органлари раҳбарларига, саноат, қурилиш, транспорт коллективларини, агросаноат комплекси тармоқларини 1986 йил январь ойи ва биринчи квартали план ва социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга сафарбар этиш юзасидан зарур чоралар кўриш вазифасини қўйди. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан авж олган социалистик мусобақага ҳар томонлама таяниш керак. Бу муҳим ишда партия XXVII съезди шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликдан активроқ фойдаланиш керак. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари шанбалик куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун коллективларда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб боришлари керак.

Область партия комитетининг бюроси бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Советига ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайлов белгиланиши муносабати билан ва «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР Қонунининг 25, 28 ва 60-моддалари асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Советига Ўзбекистон ССРдан сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакилларидан иборат қилиб тасдиқлансин:

116-ТОШКЕНТ — ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси **Давидбоев** Хайрулла Қўшоқович, пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг директори — Фрунзе район партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **Рустамов** Бурхон Мавлонович Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг иккинчи секретари — Чилонзор район партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари **Сайфутдинова** Лола Турғуновна, халқ депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитети халқ маорифи бўлимининг методисти—маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Фрунзе район ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари

Давидова Светлана Юрьевна, Тошкентдаги абразив буюмлар комбинати олмос синтези цехининг ишчиси — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Фрунзе район ташкилотидан.

Дидманидзе Темур Исмоилович, касаба союз комитетининг раиси —5-таксомотор парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Жданова Вера Петровна, Тошкент қуёшдан ҳимоя қурилмалари заводининг станокчиси — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Сергели район ташкилотидан.

Эгамбердиева Муҳаббат Расулевна, Тошкентдаги миллий музика асбоблари фабрикасининг ишчиси — Акмал Икромов район партия ташкилотидан.

Молоткова Вера Никифоровна, сувоқчи— «Главташкентстрой»нинг «2-Отделстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Миралимова Таскира Салохиевна, инженер— Тошкентдаги бинокорлик материаллари комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Назаров Валентин Александрович, слесарь — Тошкент электромеханика заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Раҳимжонов Бахтиёр Баҳриевич, 4-автопарк ҳайдовчиси— Сергели район партия ташкилотидан.

Сайдуллаева Дилбар Эргашевна, булка-кондитер комбинатининг ишчиси— Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Акмал Икромов район ташкилотидан.

Сафронова Евдокия Иосифовна, 2-йигирув-тўқув фабрикасининг қадоқловчиси — Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Турсунов Саъдулла, 2-автокомбинат ҳайдовчиси — Акмал Икромов район партия ташкилотидан.

Шивалдов Василий Васильевич, ишчи— «Таштекстильмаш» ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1986 йил 12 январь.

Тошкент область комсомол комитетининг пленуми

Тошкент область комсомол комитетининг пленуми бўлди. Унда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида область комсомол ташкилоти олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда область комсомол комитетининг иккинчи секретари Н. И. Жданов доклад қилди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети аппаратида ишлаган Ғ. Ҳ. Усмонхўжаев Тошкент область комсомол комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайланди.

Ангрен шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. В. Йўлдошев область комсомол комитетининг бюро аъзоси ва секретари этиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Д. Дадажонова қатнашдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Область XXII партия конференцияси 1986 йил 17—18 январда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида бўлади (Ш. Рашидов проспекти, 9.).

Конференция 1986 йил 17 январь соат 10.00 да очилади.

Конференция делегатлари ва таклиф этилганлар область партия комитети мажлислар зали фойесида 15 январь соат 11.00 дан 18.00 гача, 16 январь соат 14.00 дан 18.00 гача рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.



ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

Партиянинг съездолди ҳужжатларини муҳокама қиламиз

Партия турмуши: иш услуби ва методлари

ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Сўзни бевосита сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги тобора ошиб бораётганидан бошламоқчимиз. Негаки, партиямиз XXVII съездига саноқли кунлар қолди. Ундан олдин эса Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва XXII Тошкент область партия конференцияси бўлиб ўтади. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар бир партия ташкилоти ўз меҳнат коллективини шу муҳим саналарни муносиб ютуқлар билан кутиб олишга йўналтириши лозим.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитети ҳам коммунистларнинг, барча меҳнатчиларнинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини, уларнинг активлигини ошириш, партия сафларини янада мустаҳкамлаш, меҳнат коллективига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш йўлини тутмоқда. Қолаверса, бу ерда коммунист деган юксак номнинг обрўси ва эътиборини оширишга муҳим аҳамият бериляпти. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ҳалол, виждонан ишлаётган коммунистлар номи шарафланяпти, коммунист деган номга доғ тушираётганларга нисбатан эса тегишлича чоралар кўриляпти. Кейинги вақтларда 12 коммунистга завод партия ташкилоти партиявий жазо берди, уч коммунист эса партия сафидан чиқарилди. Бу эса коммунистлар масъулиятини бир неча баравар оширди. Зотан, КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1985 йил) Пленуми маъқуллаган съездолди ҳужжатлари— КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида ҳам, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳасида ҳам ҳалол ва виждонли бўлиш, ўз ишига ижодий ёндошиш, юксак даражада уюшқоқ ва интизомли бўлиш коммунистнинг ажралмас хислати бўлиши кераклиги жуда тўғри таъкидлаб ўтилган.

Корхонада кейинги икки йил ичида кадрлар қўнимсизлиги салкам икки ҳисса камайганида, ишлаб чиқариш бир маромда бораётганида партия ташкилотининг муҳим роли бор. Коммунистлар етакчилигида коллектив ишлаб чиқариш бўйича лойиҳадаги қувватга етиб олишни мўлжалламоқда.

Завод партия комитети ўз иш услуб ва методларини такомиллаштириш борасида, айниқса қуйи партия ташкилотларига биринчи галда эътиборни қаратяпти. Чунки партия группалари ва партия ташкилотчилари бевосита бригадаларда, участкаларда иш олиб боради. У ерда ишлаётган коммунистлар ишчиларнинг кайфиятларидан, уларнинг ҳол-аҳволидан мунтазам хабардор бўлиб турадилар. Қуйи партия ташкилотларига эътиборни қаратиш цех ва бўлимлар ишини янада мустаҳкамлаш демакдир. Қолаверса, цех ва бўлимларнинг коммунист-раҳбарлари масъулияти янада оширилди. Замон талабларига жавоб беролмаган раҳбар ҳодимлар эса ўз-ўзидан катта йўлдан четда қолмоқдалар.

Корхона коммунистлари, ишчи-хизматчиларининг меҳнат ва сиёсий активлиги тобора оша бориши план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Аввало, қуйи партия ташкилотларининг, цех ва бўлимларнинг сиёсий жиҳатдан чиниққан, ташкилотчилик ва тарбиячилик қобилиятига эга бўлган ишчан коммунистлар билан мустаҳкамланиши корхонада асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бундан аввалги йилларга қараганда анча яхшиланиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Партия комитети ҳар бир цех, бўлим коммунист-раҳбарининг идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларда актив қатнашишини таъминлашга интилмоқда.

Иш услуб ва методлари қандайдир қотиб қолган нарса эмас, балки замон талаблари билан ҳамоҳанг суратда бойиб, янада такомиллашиб боради. Партия ташкилотининг бутун ташкилотчилик, идеологик ва оммавий-сиёсий ишлари партиямиз белгилаб берган режаларни тўла-тўкис амалга оширишга қаратилмоқда, бунда эса озми-кўпми эришилган тажрибалар умумлаштирилиб, камчиликларга эса қатъият билан барҳам берилмоқда.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Меҳнатинг—зийнатинг

УСТА

Унинг иш жойи ҳамиша саранжом-саришта бўлади. Станок олдида қўлларини аниқ ва чаққон ҳаракат қилдириб, тез ва соз ишлашга ўрганган. Смена пайтида бутун диққат эътибори статор «гильза»ларини янгилашга қаратилади. Тамара Николаевна «Красновосточная» депосида биринчи бўлиб статор гильзаларини созлашни ўрганди. Депо касаба союз комитети раиси Нурилла Исломов пешқадам ишчининг бу меҳнат муваффақияти ҳақида бизга сўзлар экан, Тамара Николаевнанинг ҳаёт йўлини хаёлан кўз ўнгига келтирди.

Т. Киселева бундан чорак аср муқаддам Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг тажриба экспериментал-механика заводига ишга келганди. Ўшанда у ўн олти ёшли қиз эди. У электр ускуналарни ремонт қилувчи слесарь Евдокия Сальниковага шогирд тушди. Бу касб билан гарчи асосан эркаклар шуғулланса ҳам Тамара иккиланмади. Меҳрибон устозидан турли маркадаги электр ускуналарни қисмларга ажратиш, йиғиш ва ремонт қилишни қунт билан ўрганди. Секин-аста мустақил ишлашга ўтди.

Орадан уч йил ўтгач эса Тамара ўзи билан ишлайдиган Владимир исмли йигит билан турмуш қурди. Ҳозир уларнинг икки фарзанди бор. Оила аҳил ва фаровон турмуш кечиради. Эр-хотиннинг касблари бир хил бўлганидан электр қисмларни созлашдаги янги схемалар устида уйда ҳам тез-тез мунозара қилиб, тажрибаларини айрибошлашади.

1973 йил Тамара Николаевнанинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. Уни шу йили завод коммунистлари ўз сафларига қабул қилишди. Бу орада янги «Красновосточная» депоси ишга туширилди. Тамара Николаевнани шу депога ишга таклиф этишди.

Янги иш жойида дастлабки пайтда трамвай эшиклари электр двигателларини капитал ремонт қилди. Ёш ишчилар С. Алимов, В. Григорьев, В. Шукуновларга касб ўргатди.

Ҳозир депо коллективи Т. Киселевани электр транспорт ротор қисмларидаги нуқсонларни бартараф этиш, кабель тармоқларини монтаж қилиш «операция»сини моҳирлик билан бажарадиган пешқадам ремонтчи-слесарь сифатида ҳурмат қилади. Илғор ишчи ҳар сменада иккита статор, учта эшик электр двигатели, учта роторни сифатли ремонт қилишга улгуряпти.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида шундай дейилади: **«Илғор техника ва технологияни яратиш ҳамда жорий этиш жадаллаштирилсин. Транспортнинг янги турлари ривожлантирилсин, ҳаракатдаги состав ва бошқа техника воситаларини янгилаш суръатлари оширилсин, моддий-техника ва ремонт базаси мустаҳкамлансин».** Бу режалар электр транспортчиларни янада самарали меҳнат қилишга, ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервларни қунт билан излашга ундайди.

Асосий йўналишлар лойиҳасини «Красновосточная» депоси коллективи қизғин муҳокама қилди. Улар электр транспортининг ҳамиша соз бўлишини таъминлаш, ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш орқали ўн иккинчи беш йилликда 1 миллиард 350 миллион йўловчининг манзилини яқин қилишга ваъда қилишди. Бу катта ваъданинг муваффақиятли бажарилишига XXII Тошкент область партия конференциясига делегат қилиб сайланган Тамара Киселева ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан муносиб ҳисса қўшади.

А. ФАТТОҲОВ.

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасида «Олий сифат потоги» эксперименталь группаси ташкил этилган. 11 нафар каштачидан ташкил топган группага донгдор ишчи Саодат Тоҳирова бошчилик қилади.

Группа ишлаб чиқараётган барча буюмлар учун гул нусхаларини С. Тоҳировaнинг ўзи тайёрлайди. У етакчилигидаги коллектив ўндан ортиқ маҳсулотлар — сўзана, чойшаб, зардевол, гулкўрпа ва бошқа буюмларни аъло сифат билан ишлаб чиқармоқда. С. Тоҳирова ва унинг дугоналари партия съезди очилишига қадар яна тўрт хил каштани яратиш ва жорий этишга аҳд қилганлар.

СУРАТДА: Саодат Тоҳирова иш устида.

Таклифларимиз

ЭЪТИБОР

Коллективимиз партиянинг съездолди ҳужжатлари муҳокамасида фаол иштирок этмоқда. Ҳужжатларда совет кишиларига ғамхўрлик, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилашдек жамиятимизга хос бўлган инсоний ғояларнинг илгари сурилиши ҳаммамизни қувонтиради. Биз ҳайдовчилар лойиҳа материалларидаги транспортга алоқадор бандларни айниқса қизғин ўрганмоқдамиз.

Маълумки, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш шаҳар транспортчиларининг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифани муваффақиятли бажариш эса масъулиятни англашга ундайди. Коллективимиз шу соҳада талай ишларни амалга оширмоқда. План-топшириқларни уддалаш билан бир қаторда йўловчиларга яхши муомала қилиш, уларнинг хоҳиш-истакларига эътиборли бўлишга ҳаракат қилмоқда. Шу ўринда **«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси»**да айтилган **«Хизмат маданияти оширилсин. 1990 йилда умум фойдаланишдаги транспорт пассажир товар обороти 12—14 процент оширилсин»** деган сўзлардан кейин «Йўловчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам мунтазам диққат марказида бўлсин», деб қўшимча қилишни истардим.

М. ШАНГЕРЕЕВ,
«Главташпассавтотранс»га қарашли 5-таксопарк ҳайдовчиси, XXII Тошкент область партия конференцияси делегати.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ва АПН мухбирлари ёзадилар

«УНЭН» газетасининг ёзганлари

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг «Унэн» газетаси СССРда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси кенг кўламда умумхалқ муҳокамасидан ўтказилаётганлигини Советлар мамлакати коммунистларининг навбатдаги олий анжуманига тайёргарликнинг муҳим ва масъулиятли босқичи, деб атамоқда. КПСС ташқи ва ички сиёсатининг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиққан бу тарихий ҳужжат, деб таъкидлайди газета, Ленин партияси ўзининг XXVII съездига Совет Иттифоқига социализмни муттасил ва ҳар томонлама такомиллаштириш масалаларини анча жадал ҳал этиш, коммунистик қурилиш ишида муттасил олға силжиш имконини берадиган режалар билан бораётганлигини яққол намойиш қилади.

Совет жамияти турмушининг барча томонларини сифат жиҳатдан ўзгартириш йўлидан бораётган КПСС учун, деб ўқтиради МХРП Марказий Комитетининг органи, меҳнаткаш инсон тўғрисида, унинг энг муҳим проблемалари ва ҳуқуқлари, унинг бахтли келажагини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра юксакроқ мақсад бўлиши мумкин эмас. КПСС тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини тугатиш проблемаларини энг кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида ўртага қўймоқда. Совет коммунистларининг ҳужжатидаги ҳар бир сатр ер юзида тинчликни, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган. КПССнинг СССР билан АҚШ ўртасида нормал, барқарор муносабатлар ўрнатишга, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, амалда баб-баравар хавфсизлик принципини рўёбга чиқаришга қаратилган йўли бутун тинчпиксевар инсониятнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушади.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси, деб хулоса қилади «Унэн» газетаси, МХРП учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу лойиҳа кейинги чорак аср давомидаги энг муҳим идеологик ҳужжатлардан бири бўлиб, бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун буюк илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилади. Лойиҳада ўзининг ёрқин ифодасини топган мустаҳкам тинчлик, социал адолат ва тараққиёт ғоялари барча қитъалардаги меҳнат аҳлига яқин ва тушунарлидир.

Ироқдаги қишлоқ хўжалиги машиналари кўргазмасида кўплаб замонавий техника намойиш қилинмоқда. Кўргазмага келаётганлар айниқса Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникасига (суратда) юқори баҳо бериш-ётир. СССРда тайёрланган қишлоқ хўжалиги техникаси чидамли, бир вақтнинг ўзида кўп операцияларини бажаришга мослашганлиги билалан кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.



ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР УЧУН ЯНГИ УСКУНАЛАР

БУДАПЕШТ. Пойтахтдаги «Ганц маваг» заводининг мутахассислари атом электростанциялари учун асбоб-ускуналарнинг янги турини ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу ерда 1000 мегаватт қувватли атом электростанциялари учун ёқилғини алмаштирадиган махсус погрузчиклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу вақтгача бундай механизмлар фақатгина 440 мегаватт қувватли реактор блоклар учун тайёрланар эди. Масалан, телевизион камералар ёрдамида махсус пультдан бошқариладиган шундай погрузчик Венгриянинг Пакшдаги атом электростанциясида ишлаб турибди. Тез орада янада кучли агрегатлар ишлаб чиқариш учун қўшимча цех қурилади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда йирик атом электростанциялари лойиҳалаштирилаётганлиги ва қурилаётганлиги муносабати билан кўп юк кўтарадиган механизмларга талаб тинмай ошиб боради. Ана шу туркумдаги погрузчиклардан биринчиси Болгарияга жўнатилди. «Ганц маваг» заводининг мутахассислари ўзларининг чет эллардаги шериклари учун яна шундай тўртта погрузчик тайёрлаб берадилар. Улар 1990 йилгача камида 10 тача серунум механизм тайёрлаб беришни мўлжалламоқдалар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларни атом электростанциялари учун ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тўғрисидаги битим Венгрия машинасозларига катта имкониятлар очиб беради Битимга мувофиқ мамлакатлар айрим узел ва агрегатлар ишлаб чиқаришни ўзаро тақсимлайдилар. ВХР ўз шерикларидан погрузчиклар ўрнига ўзи учун зарур энергетика ускуналарини олади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Руминия пойтахти Бухарестда нон маҳсулотлари ёпиладиган янги завод фойдаланишга топширилди. Бу Руминия ускунаси билан тўла жиҳозланган мамлакатда биринчи шу хилдаги корхонадир. Завод республикада машҳур бўлган «Стягул рошу» («Қизил байроқ») корхонаси ходимларини ўз маҳсулоти билан таъминлайди.

●

Руминиянинг Галац шаҳри йил сайин обод бўлиб, кенгайиб бормоқда. Совет мутахассисларининг актив иштироки билан йирик металлургия комбинати қурилганлиги туфайли шаҳар мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетди.

Ўтган беш йиллик мобайнида шаҳарда уй-жой ва маданий-маиший қурилишга катта эътибор берилди. Галац металлургларининг ўчун қарийб 20 минг квартира, шунингдек ишчи клублари, ошхоналар, стадионлар, болалар боғча ва яслилари қурилди. Эндиликда Галац шаҳри аҳолисининг 75 процентини янги, шинам квартираларда яшамоқда. Бинокорлар бу йил яна 4 минг оилага янги квартира калитларини топшириш мажбуриятини қабул қилганлар.

●

ҚОХИРА. Катар пойтахти Дохада Форс қўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши мамлакатлари меҳнат ва социал ишлар министрларининг конференцияси иш бошлади. Уч кун давом этадиган конференцияда Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Баҳрайн ва Катар министрлари социал таъминот соҳасида биргаликдаги ҳаракатлар программасини, регион мамлакатларида чет эл иш кучидан фойдаланиш муаммосига умумий ёндашувни ишлаб чиқиш ниятидадирлар.

●

ЯУНДЕ. Яунде шаҳридан 16 километр жанубда Камерун пойтахтининг янги халқаро аэропортини қуришга киришилди. Аэропорт 599 гектар майдонни эгаллайди. Замонавий авиалайнерларни қабул қилишга мўлжалланган учиш-қўниш полосасининг узунлиги 3400 метр бўлади. Кейинчалик унинг узунлиги 4 минг метрга етказилади.

Яунде аэропорти йилига 2 миллион пассажирга хизмат қиладиган бўлади. Бу эса ҳозир ишлаб турган Дуале аэропорти ишини енгиллаштиришга имкон беради.

●

НЬЮ-ЙОРК. Рейген маъмуриятининг милитаристик сиёсатига қарши қатъий норозилик билдирган Америка тинчлик тарафдорлари навбатдаги группасидан Америка маъмурлари ўч олишга киришдилар. Уэст-кингтон (Род-айленд штати) шаҳрининг округ суди қуролланиш пойгасини авж олдираётган Вашингтон сиёсатига қарши намойиш ўтказган ўн кишини «хусусий мулк чегараларини бузишда» ва «маъмурларни ҳурмат қилмасликда» айблади. Намойиш Курисетпойнт шаҳрида, «Женерал дайнэмикс» ҳарбий корпорацияси заводи дарвозаси олдида ўтган йил 28 декабрь куни бўлган эди.

●

ПРАГА. Чехословакия матбуоти Чехословакия Коммунистик партиясининг таклиф этилаётган ўзгартишлар билан устави лойиҳасини эълон қилди. Бу ҳужжат партиянинг март ойи охирларида ўтказиладиган XVII съезди олдидан коммунистларнинг муҳокамасига тақдим этилмоқда. Уставнинг баъзи қоидаларига киритилаётган аниқликлар ва қўшимчалар ЧССРни жадал иқтисодий ва социал ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш соҳасида партия органлари ва ташкилотлари, партиянинг ҳар бир аъзоси олдида турган талабларни тўлиқроқ акс эттириши лозим. Устав лойиҳасида социалистик демократияни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, халқ бирлигини мустаҳкамлашда партиянинг роли аниқлаб берилади.

НОХУШ РАҚАМЛАР

1985 йил ГФР тарихида ишсизлар сонининг ошганлиги билан кўнгилсиз из қолдирди. Ўтган йил охирида Ғарбий германиялик ишсизлар 2,3 миллион кишини ташкил қилди. Бу — 1984 йилга қараганда анча кўпдир. Нохуш фактларни расмий маъмурлар мамлакат экономикасининг кризисига тақашмоқда. Шароитни яхшилаш учун кўплаб ваъдалар бериляпти.

Аммо ишсизларнинг рўйхати тўла олинган, дедеб бўлмайди. Германия Федедератив Республикасида иш қидириб юрганлар маъмурлар ҳисобига келтираётган рақамлардан анчанча кўпроқдир. Жумладан, ҳар камида 1,3 миллион ишсиз бировнинг-бир ўзига мос машғулот топишдан бутунлай умидини узиб, ишсизлар рўйхатидан ўтишдан умуман воз кечиб қўйган. Демак, ҳозирги кунда ГФРда 3,6 миллион киши умумман ишсиздир.

КЕСКИН ЧОРА

Францияда чекувчиларга қарши кескин чоралар кўриляпти. Янги йилдан бошлаб чекишни ташлаш кампанияси бошланди. Бу борада соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари ўрнак бўлишяпти. Барча шифокорларга чекиш умуман ман этилган. Шунингдек, радио ва телевидение, матбуот орқали чекишнинг зарари ҳақида мунтазам материаллар бериб бориш тадбирлари белгиланган. Аллбатта бундай кескин чоралар тамаки ишлаб чиқарувчи корпорация эгаларига ёқиб тушмаяпти. Улар ҳукуматнинг бу қарорига ўз норозиликларини билдиришмоқда.

«БИЛЕТСИЗ» ПАССАЖИРЛАР

Болгариядаги Варни портида турган қуруқ мева ортган кемадан юк туширилаётганда ишчилар «билетсиз» пассажирларга тўқнаш келишди. Кубадан келган бу кемадаги контейнерларда кўплаб асал ари уялари борлиги аниқланди. Асаларилар узоқ давом этган сузишга бемалол чидидаш билан бирга 10 килограмм и энг хуштаъм асал ҳам беришшган. Кема сузиши давомида асаларилар-нинг қандай қилиб асаларилар тўплай олганини ҳатто мутахассислар ҳам айтиб бериша ололишмади.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ТАҲСИНГА САЗОВОР

1 Май кўчасида харидорларга яна бир қулайлик яратилди. Тошкент областининг Оржоникидзе районидаги В. И. Ленин номли колхознинг теплица ва далаларида етиштирилган ноз-неъматлар билан савдо қиладиган магазин аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Бундай магазиннинг очилиши айни муддаодир, — дейди Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Н. Болтабоева. Бу ерда янги узилган бодринг, помидор, лимонлар сотилмоқда.

—Савдо қандай боряпти?— деб сўраймиз магазин мудири Ғ. Қориевдан.

— Ҳар куни 3 тоннага яқин маҳсулот сотяпмиз. Магазин очилганидан бери 15 минг сўмлик савдо қилдик.

Сотувчининг қўли-қўлига тегмайди. Пиёз, сабзи, қовоқ, турп, олма, лимон деб турган харидорларнинг истаклари тезда бажо келтирилмоқда.

Шаҳримизда колхоз ва совхозлар ихтиёридаги бундай магазиннинг очилиши таҳсинга сазовордир.

СУРАТЛАРДА: сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган магазиннинг ички ва ташқи кўриниши.

М. Нурнддинов фотолари.

ҚАРДОШЛАР МАМНУН

Бундан 10 йил муқаддам ўзбекистонлик мелиораторлар ва бинокорларнинг вакиллари РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасини ўзлаштиришга ҳисса қўшиш мақсадида Иваново областига борган эдилар.

Ўтган йиллар мобайнида дўстлик ва қардошлик қудрати туфайли бу ерда жуда катта ўзгаришлар юз берди. «Ивановоирсовхозстрой» тресті барпо этилди. Унга қарашли 21 ва 35-кўчма механизациялашган колонна бинокорлари тўплаган бой тажрибаларини дўстлар диёрида ҳам ишга солиб, барчага намуна кўрсатдилар. Шу даврда 22 миллион сўмликдан ортиқ мелиорация ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Областнинг Пировольский райони колхоз ва совхозларида минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Турар жойлар, маданий-маиший бинолар, мактаблар ва болалар боғчалари қад ростлади. Ўлканинг қиёфаси ўзгариб, кўкламзорлашиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланаяпти. Бундан ивановоликлар ғоят мамнун бўлишмоқда.

Ўзбекистонлик мелиораторлар ва бинокорлар ўн иккинчи беш йилликда ҳам бу ерда улкан ҳажмдаги ишларнинг режасини тузиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Съездлар йилида республикамиз вакиллари бу ерда янги боғча, мактаб ва бир қатор маданий-маиший бинолар қуриш, КПСС XXVII съездини биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олишга бел боғлаганлар.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«БАЛЛОНЛИ ГАЗ КУТИБ»

Ўтган йилнинг 20 декабрида газетада юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда Октябрь район газ эксплуатация идораси хизматчилари аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда камчиликларга йўл қўяётганлиги айтилган эди. «Ташгаз» ишлаб чиқариш бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди:

Мақола район газ-эксплуатация идораси хизматчилари йиғилишида муҳокама қилинди. Ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари ва газ таъминоти слесарларидан ҳисобот олишда, абонент карточкасини белгилашда камчиликларга йўл қўйганликлари учун техник М. Риҳсиева, контролёр М. Йўлдошевага қатъий виговор берилди. «Райгаз» бошлиғи Б. Шамсиевга виговор эълон қилинди. Унга район аҳолисининг суюлтирилган газ билан ўз вақтида таъминланишини назорат қилиш топширилди.

ЛЛуқма

УСТИ ЯЛТИРОҚ

Совуқ кунда бир ҳиёла иссиқ чой ёки кофе — жоннинг роҳати. Автобусда 1 Тошкентга келаётган йўловчи ҳозир шуни ўйлаяпти. Ширингинана хаёл! Мана, автовокзал биноси. Бир зумдан кейин боягаги ширин хаёлдан ширингина армон қолади. Нега дейсизми?!

Автовокзал биноси... Ремонт. У ерга кириб иссиққкина кофе ичаман, юмшоқ ўриндиқларда ўтириб хотиржамгинана газета варақлайман, деб хомтама бўлманг. Сизни совуқ батареялар темир тишлаларини ғижирлатиб қарши олади. Мармар кошинлар уюми и кўчириб қўйилган муз парчалари сингари — боқсангиз кижифоя, вужудингизни қалтироқ босади.

Бунинг устига на б буфет, на ошхона, на чойхона ишлайди. Ҳаммаёқ тақа-тақ ёпиқ. Илиқ кўнглингиз ҳам совуб б ўзингизни метрога уришдан и бошқа чора қолмайди.

Автовокзалда эса... Ҳозир унинг пештоқларига ин қўйган мусичалар ҳам б бу ердан бош олиб кетган. Ремонт чўзилмоқда. Унинг қачонон бошланганини-ю қачон тугашини йўловчилар ҳам, биз ҳам билмаймиз. Балки автовокзал маъмурияти ва мутасаддилари ташкилотлар аниқ жавобини айтишар!..

Жонкуяр ЗАМОН Ғ ўғли.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«БАЛЛОНЛИ ГАЗ КУТИБ»

Ўтган йилнинг 20 декабрида газетада юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда Октябрь район газ эксплуатация идораси хизматчилари аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда камчиликларга йўл қўяётганлиги айтилган эди. «Ташгаз» ишлаб чиқариш бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди:

Мақола район газ-эксплуатация идораси хизматчилари йиғилишида муҳокама қилинди. Ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари ва газ таъминоти слесарларидан ҳисобот олишда, абонент карточкасини белгилашда камчиликларга йўл қўйганликлари учун техник М. Риҳсиева, контролёр М. Йўлдошевага қатъий виговор берилди. «Райгаз» бошлиғи Б. Шамсиевга виговор эълон қилинди. Унга район аҳолисининг суюлтирилган газ билан ўз вақтида таъминланишини назорат қилиш топширилди.

Оталар жасорати унутилмайди

МАРШАЛ ТАШАККУРИНИ ОЛГАН САПЁР

МУҚАДДАС она-Ватанимиз тупроғига фашистлар Германияси олов пуркаганда Москва ҳарбий-инженерлик билим юртининг курсанти Йўлдош 19 баҳорни кўрган эди. Радио карнайидан эшитилган шум хабар бир лаҳзада яшиндек ёйилди. Курсантлар пойтахт яқинидаги Кубинка қишлоғида ҳарбий тайёргарлик машқларини жадал ўрганишга киришдилар.

Курсантлар зиммасига Москва — Минск шоссесини қўриқлаш жанговар вазифаси топширилди... Кун пешиндан оққан. Узоқ масофада машина кўринди... Йўлдош тўхташ ишорасини кўрсатса ҳам машина асфальт йўлдан ўқдек учиб келаверди. Йўлдош машина ғилдирагига ўқ узишга ҳозирланган эди, унинг баллони асфальтга «чийиллаб» ёпишди.

— Рухсатномангизни кўрсатинг?!

Шофёр ёнида ўтирган катта лейтенант кўрсаткич бармоғини лабига босиб бир нима демоқчи бўлганда, маршаллик белгиси ярақлаб турган шинелини елкасига ташлаб олган кишига Йўлдошнинг кўзи тушди. Суратларини кўп ерларда ҳавас билан кўриб юрган Йўлдош уни дарров таниди ва честь берди.

— Ўртоқ Совет Иттифоқи Маршали! Курсант Тошпўлатов навбатчиликда...

— Баракалла,— Йўлдошнинг сўзини бўлди таниш сиймо. — Ҳушёрлигинг учун ташаккур.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Енгил қора машина Москва томон яна елдек учди. Орқа ўриндиқда ўтирган енгилмас ва иродали ҳарбий саркардамиз К. Е. Ворошилов хаёллар оғушида ўриндиққа суяниб борарди.

Эрта тонг, 9 октябрь, 1941 йил. Мусаффо осмонимизда қора булутлар сузиб юрибди. Ҳарбий-инженерлик билим юртининг курсантлари садафдек бир сафга тизилган. Улар бугун совет офицери — лейтенант унвонини олиш учун саф тортиб турибдилар. Уларнинг меҳри она-Ватанига, нафратлари душманларга қаратилган. Йўлдош ва унинг курсдошлари лейтенант унвонини олган шу куни Подольск-Мало Ярослав шаҳрини босқинчилардан ҳимоя қилишга сафарбар этилдилар. Йўлдош 49-армиянинг 12-сапёрлар ўқчи полкига взвод командири этиб тайинланди.

ЖАНГОВАР топшириқлар ниҳоятда масъулиятли, уни бажариш машаққатли ва оғир. Лейтенант Й. Тошпўлатов етакчилигидаги жангчилар ўрмондан дарахтлар кесиб, Москва—Ярославль йўлида танкка қарши тўсиқлар ўрнатдилар, душман ўтадиган кўприкларни миналаштирдилар. Ғарбий фронтга қарашли 9-махсус понтон-кўприк батальонининг 30 нафар сапёрига бош бўлиб оғир замбаракларни кўтарадиган кўприкларни бунёд этди. Бу понтон-кўприклар Калинин областини гитлерчилардан озод қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1942 йилнинг февраль ойи. Ўрмонда сукунат ҳукмрон. Теварак-атрофда қор уюми пайдо бўлган. Узоқ-узоқларда портлаган снаряд овозлари осудаликни бузиб туради. Шу вақтда лейтенант Йўлдош Тошпўлатовни штаб ертўласига чақириб, унга 34-махсус ўқчи бригадасининг сапёрлар взводига командир этиб тайинланганлиги ҳақидаги буйруқ ўқиб эшиттирилди. Ўрта осиёлик сапёрлардан таркиб топган ҳимоячилар Смоленск областидаги Угра дарёсидан ўтганларида фашистларнинг ваҳшийликларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Оппоқ қор устида совуқдан қотиб қолган ёш болалар, меҳнатга яроқсиз кишилар, ёндирилган қишлоқлар жангчиларда душманга нафрат ўтини ёқди.

Орадан бир ой ўтгач, 34-махсус ўқчи бригадасининг асосий составидан 233-ўқчи дивизияси тузилиб, сапёрлар батальонининг ротаси командирига Й. Тошпўлатов ўринбосар этиб тайинланди. Сталинградни малъунлар ҳамласидан ҳимоя қилиш катта лейтенант Йўлдош бошлиқ қасоскорлар зиммасига ҳам тушди.

Бир темир йўл разъезди учун бўлган шиддатли жанг унинг ҳамиша кўз ўнгида. Муҳим аҳамиятга эга бўлган разъезд етти марта қўлдан-қўлга ўтди. Воинов, Бабанин, Умаров, Попов сингари ўтюраклар шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Ниҳоят, даҳшатли жанглардан сўнг Сталинград фашистларидан батамом тозаланди, қонхўр Паульс армияси матонатли жангчиларимиз оёғига бош эгди.

Улуғ Ватан уруши тарихига бир назар ташласак, Курск — Орел ёйининг даҳшатли жанглари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Й. Тошпўлатовга 7-гвардиячи ҳаво-десант дивизиясининг 11-махсус сапёрлар батальонига рота командири бўлиш масъулияти топширилди.

САПЁРЛАР гвардиячи капитани Йўлдош Тошпўлатов дарё қирғоғининг нариги соҳилидаги немислар позициясини яксон қилиб, ўша ерда таянч майдони ўрнатгани учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Шу жангдан сўнг у КПСС сафига киришга ариза берди.

Душман чекинса ҳам жонжаҳди билан қарши ҳужумга ўтиб турар эди. Чунончи, Украина шаҳарларидан бирида душманнинг қуршовда қолган группировкасини тугатиш пайтида осмонда бир тўда немис самолётлари пайдо бўлди. Кетма-кет ташланган бомбанинг бири Й. Тошпўлатовнинг энг яқин ёрдамчиси ва дўсти гвардиячи лейтенант Б. Азизов ёнида портлади. Портлаш натижасида уни тупроқ босиб қолди. Шошилинч кўрсатилган медицина ёрдами ҳам бефойда бўлди. Жасур жангчи Б. Азизов Дўстлик қабристонига дафн этилди.

Ғалабага саноқли кунлар қолганда тошкентлик гвардиячи капитан Йўлдош Тошпўлатов Австрияда эди. Буюк Ғалаба арафасида уни жанговар дўстлари Ватан олдидаги мардлиги ва жасорати учун II даражали Улуғ Ватан уруши орденига сазовор бўлгани билан самимий табрикладилар. Бу пайтда унинг кўксида бир неча жанговар орденлар билан бирга 12 та жанговар медаль порларди.

Уруш тугади, осмонимиз мусаффо бўлди. Йўлдош ака бирданига севимли диёри Тошкентга қайтмади. У уруш йилларида тўплаган тажрибаларини Совет Армияси сафига янги чақирилган солдатларга қунт билан ўргатди. Уларни жанговар ватанпарварлик ва коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

...Шаҳримизнинг Черданцев кўчасидаги 9-уйда дилрабо куй ва қўшиқ янграйди. Йўлдош аканинг фарзандлари Равшанбек, Азизбек, Гулчеҳра, Гулсара, Ҳабибахонлар меҳмонлар ёнида парвона. Тўкин дастурхон атрофига собиқ жангчининг қуролдош дўстлари Аброр Ғуломов, Тоҳир Алимов, Исомитдин Эрбўтаев, Тўлаган Аловутдинов, Қудрат Раҳматуллаев, Абдулла Абилқосимов, Карим Валиевлар йиғилишган. Улар шу куни Йўлдош Тошпўлатовни унинг жанговар ҳужжатлари Киев шаҳридаги Улуғ Ватан уруши қатнашчилари музейидан ўрин олганлиги билан табрикладилар.

Қизғин гурунг авж олди. Уруш хотиралари эсланди. Қуролдошлар тез-тез учрашиб туришга аҳд қилишди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГ

Вилена Хлизова 20 йилдан буён Фрунзе районидаги 91-ўрта мактабда тарих ва жамиятшуносликдан дарс беради. У мактаб партия ташкилоти секретари сифатида ҳам жамоатчилик ишларида ҳаммага бош-қош.

Ушбу суратда тажрибали педагог мактабнинг 9-Б синфи ўқувчилари билан машғулот ўтказилаётгани тасвирланган. Машғулот мавзуи — бўлажак КПСС XXVII съездига тараддуд. Ана шу улкан анжуман йилида республикамизда қилинаётган ишлар, беш йиллик ютуқ ва якунлари. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларнинг чеки йўқ. Педагог В. Хлизова эса ҳар сафаргидек бу суҳбатга ҳам жиддий тайёргарлик кўрган. Зотан, бу унинг мураббийлик бурчидир.

Л. Глауберзон фотоси.

СОРМОВО БАРРИКАДАЛАРИНИНГ АКС САДОСИ

Ёшлар уй-жой комплекси қурувчилари топган нарса 1905 йилда Сормово пролетариати қаҳрамонлигини эслатади, деб хабар беради ТАСС мухбири. Улар эски уйни бузаётиб чордоқдан милтиқ найзасини топиб олдилар, найза сарғайиб кетган газетага ўралган эди. Бу «Нижегородский листок»нинг Сормовода қуролли кўзғолон бошланган декабрь кунларида чиққан сонларидан бири эди.

Топилган ёдгорлик баррикадаларнинг қаҳрамонларига таллуқли эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ўшанда Сормово заводи цехларида бундай совуқ қуроллар очиқдан-очиқ тайёрланган эди. Бунинг устига найза революционер Иван Чугурининг жанговар ўртоқлари томонидан яширириб қўйилган бўлса керак. Иван Чигуриннинг уйи шу яқин орада бўлган. 1902 йилдан большевиклар партиясининг аъзоси И. Чугурин 1905—1907 йиллардаги революцияда Сормовода актив қатнашди, 1917 йил апрелида муҳожирликдан қайтиб келган В. И. Ленинга Финляндия вокзалида РСДРП(Б) Виборг район комитетининг топшириғига мувофиқ партия билетини топширган. Йигирманчи йилларнинг бошларида у «Красное Сормово» заводи директорининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Сормоволиклар революционер ҳамшаҳарлари хотирасини муқаддас сақламоқдалар.

Қурувчилар топган жанговар ёдгорлик— милтиқ найзаси сормоволикларнинг 4-мактаб-интернатдаги революцион, жанговар меҳнат шон-шуҳрати музейига топширилди.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

ҚИШНИНГ БИР КУНИ

Табиатнинг қонунига кўра, январь энг совуқ бўладиган ой ҳисобланади. Лекин об-ҳавонинг ўзига хос табиати ва инжиқликлари борки, бундай пайтда баъзан одатдагидек совуқ, баъзан кунлар исиб, эрта баҳор ёки кеч кузни эслатади. Бу йил иккиуч марта ёққан қор билан худди қиш ўтиб кетгандек, ҳаво эса 10-15 даражагача исиб туриши ҳайратга солади. Зеро, шоир айтганидек, «кумушқишдан, зумрад-баҳордан» бўлганига нима етсин! Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаб, ҳаво бегубор, мусаффо бўлиши дилларга ором беради. Шундай бўлса-да, пойтахт областимизнинг Бўстонлиқ тоғларида қор ёғиб турибди. Чимён зонасида қишки чанғи спорти ўтказиб турилибди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг кўпгина районлари қор билан қопланган бўлиб, шимолда паст ҳарорат кузатилади. Одатда январда ёғинли кунлар шимолий ва шарқий районларда 20-23 кунни ташкил этса, жанубий районларда бор-йўғи 6—9 кун бўлади. Қарангки, сайёрамизнинг ҳамма жойида қиш бўлавермайди. Шимолий ярим шарда қиш бўлса, жанубий ярим шарда ёз фасли авжида, баъзи ўлкаларда эса баҳор фасли жамолини кўз-кўз қилади.

Ҳар қалай, Ўзбекистонимизда, шу жумладан Тошкентимизда ҳам қиш ўтиб бораяпти. Кексалар: «Қишнинг бир куни қолса ҳам — қўрқ» дейишади. Бу иборада ҳаво илиқ-иссиқ бўлса-да, қиш барибир қишлигини қилиши, ҳаво бирдан совиб, «гуппа-гуппа» қор ёғиб бериши ҳам мумкин деган маъно бор. Яна гупиллатиб қорлар ёғса, ҳаммаёқ момиқ «оқ кўрпача» га ўралса, ажаб эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, қишда баъзан киши ўзини нохуш, дармонсиз сезиши мумкин. Бундай пайтларда, шифокорлар тавсия этганидек, сифатли овқатланиш, сабзавот ва ҳўл мевалардан баҳраманд бўлиш, туршак, тоғолча, олхўри, олма, олча қоқиларидан шарбатлар тайёрлаб ичиш, об-ҳавога мос кийиниш, вақти-вақти билан бадан тарбия қилиш айни муддао бўлади. Бу омиллар об-ҳаво тез-тез алмашиб, беқарор бўлиб турганда юз берадиган шамоллаш, грипп каби хасталикларнинг олдини олади.

Январь ойи ичида қишнинг узоқ кечалари қисқариб, кундуз 45 минутга узаяди ва у 10 соатдан ошади. Меҳнат гашти, қишнинг ўзига хос файзитаровати кўнгилга ором, ишимизга, руҳиятимизга илҳом бағишлайди.

Т. АШРАФХОНОВ.

Сайёралар оламида

ГАЛЛЕЙ КОМЕТАСИНИНГ ҲАРАКАТИ

Шу кунларда бутун дунё астрономлари «думли юлдуз» — Галлей кометасининг ҳаракатларини илмий асосда кузатишмоқда. Комета Ер шарининг 30 градус жанубий кенглигидан то 40 градус шимолий кенглигигача бўлган қисмида яхши кузатилади.

Галлей кометаси 25 январгача кечқурун қуёш ботгандан кейин ғарб томонда кўринади, шу ой охирида эса у уфққа яқинлашади. Кометанинг энг ёруғ кўринадиган пайти 5 февралдан то 9 февралгача давом этади, бироқ бу вақтда (юқорида айтилгандек) у Ўзбекистон кенглигида уфқдан пастда бўлади ва бизга кўринмайди.

«Думли юлдуз»ни республикамизда кузатиш 1987 йилгача давом этади.

В. УМАРОВ,
астроном.

Ноёб ўсимликлар

ГУЛИ ЎЗИДАН ЧИРОЙЛИ

Ўзбекистон флорасида рангбаранг дов-дарахтлар, ўт-гиёҳлар, шифобахш ўсимликлар шу қадар кўпки, улар она табиатнинг бебаҳо неъматлари ҳисобланади. Лекин, ёввойи ўсимликларнинг кўпгина турлари улардан ҳаддан ташқари кўп ва пала-партиш фойдаланиш натижасида камайиб кетаяпти, баъзилари эса ҳатто йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Ёввойи ўсимликларнинг гулларини йиғиб олиш уларнинг пиёзчалари ва туганакларига зиён қилиши, уруғидан кўпайишига зарар етказиши мумкин.

Ўлкамизнинг тоғлиқ районларида ўсадиган чиннигул, совринжон, ширач, заъфарон каби ўсимликлар борки, уларнинг гуллари ғоят чиройли. Бу ўсимликларни кўз қорачиғидек сақлаш керак. Қуйида азиз оқшомхонларни баъзи ноёб ўсимликлар билан таништирамиз.

● **Олатоғ заъфарони.** Бу ўсимликнинг поя барглари арчасимон, гуллари оқ рангда товланади, уруғ тожи сариқ тусда бўлади. Бу ўсимлик Тошкент воҳаси атрофидаги тоғларнинг тоғ олди қисмидан то юқори қисмигача бўлган адирларда учрайди.

● **Ёввойи чиннигул** ярим бута ўсимлик ҳисобланиб, бўйи 30 сантиметргача боради. Гуллари якка-якка ҳолда очилади, пушти, оч қизил ёки тўқ сариқ рангларда бўлади. Май-июнь ойларида гуллайди.

● **Азим ширачи** илмий тилда Эремурус Робустус деб аталади. Унинг гул қисми жуда кўп оч пуштиранг гуллар билан қопланган, кулранг-яшил барглари йирик тупбарглар ҳосил қилади. Бу ўсимлик Тошкент атрофидаги майда тупроқли— тошлоқ жойларда кўп учрайди, у май-июнь ойларида гуллайди.

● **Бойхалча.** Бу ёввойи ўсимлик —туганакли кўп йиллик ўт ҳисобланади. Гуллари сариқ, қизғиш, жигарранг томирчалари бўлади. Эрта баҳорда гуллаб, тоғ-адирларга гўзаллик бағишлайди.

Раъно ХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ходими.

Уй ҳайвони заҳарланмасин

Уйда мол боққанда улар ем-хашакдан заҳарланиши мумкинми! Агар шундай бўлса, унинг олдини олиш учун нима қилиш керак!

Б. МУСАМУҲАМЕДОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

Шаҳар шароитида ҳам турли уй ҳайвонларини: қўй, эчки, сигир, қўён кабиларни боқувчи хонадонлар бор. Одатда, ҳайвонлар заҳарли ўсимлик ва озуқаларни емайди. Лекин оч қолганда охурига тушган ўтўлан, ем-хашакни заҳарли бўлса ҳам еб қўяди ва заҳарланади.

Кўпчилик ишлатадиган зиғир ва оқ жўхорининг баъзи турлари ўткир заҳар, яъни синиль кислота чиқаради. Қадимдан халқимиз бундай заҳарли ўсимликларнинг хусусиятига қараб ном қўйганлар. Масалан, заққум, учма, айиқтовон, кўкнори, аччиқмия, бангидевона ва бошқалар. Булар аниқ кимёвий анализ қилинган.

Ўсимликларнинг заҳарлилиги, асосан уларнинг таркибидаги турли органик бирикмаларга боғлиқ. Масалан, бу алкалоидлар, кислоталар, лактонлар, смолали органик моддалар ва бошқа турларга боғлиқ. Заҳарли моддалар ўсимликларнинг маълум қисмларида тўпланади. Масалан, ангишвона гулнинг баргида бўлса, оқ погонка қўзиқоринининг ўзида тўпланади.

Қўён боқувчилар ниҳоятда эҳтиётлик билан ўсимлик солишлари лозим. Агар жониворлар очиқ табиат қўйнида юрса, улар «билиб» овқатланади. Тутқунликда заҳарли емхашакни еб қўйиш натижасида нобуд бўлиши мумкин. Заҳарланган қўёнларнинг сўлаги оқади ва тез-тез нафас олади.

Заҳарли ўсимликлар жониворларга турлича таъсир этади. Масалан, қушлар ўсимликнинг заҳарли жойини истеъмол этмайди. Инсон учун заҳарли ҳисобланган белладона ва бангидевона қўёнларга зарарсиз. Пиретрумнинг ҳашаротларга қирон келтириши аниқ, лекин иссиққонли ҳайвонлар учун зарарсиз.

Ўсимлик заҳарига, асосан, алкалоидлар киради. Баъзи бир ўсимлик гликозидлари, айниқса юракка жуда салбий таъсир кўрсатади. Шундай ўсимликлар ҳам борки, хўллиги даврида ўткир заҳарли бўлади. Қуритилиши билан заҳарли хусусияти камаяди. Шунингдек, уларнинг заҳри баргида ёки илдизида тўпланиши мумкин.

Табиат қўйнида эркин ҳолда ўсадиган заҳарли ўсимликлардан териб дорилар тайёрланади. Масалан, аччиқмия, қизғалдоқ, айиқтовон ва бошқалардан дорилар олинади. Бу препаратлар ҳар хил касалликларни даволашда қўл келади. Ғаллазорларда учрайдиган қоракуя таркибидаги алкалоидлар ҳайвонларнинг меъда ва нафас органларини жуда тез заҳарлайди. Уйда мол боқувчилар ҳайвонга ем-хашак бераётганда доим эҳтиёт бўлишлари керак.

О. КАРИМОВА.

Маслаҳатларимиз

◆ Пойтахт областимизнинг Чимён дам олиш зонасида чанғи спорти баҳси қизғин бўлади. Бу пайтда ҳар сафар йўлга чиқишдан олдин чанғи таёқчаларининг мустаҳкамлигини ва тасмасини текшириб кўринг. Агар тасма қотиб қолган бўлса канакунжит мойи суртинг. Қуруқ ерда юришга тўғри келса, таёқ ҳалқасига қўшимча каноп ип ўранг.

◆ Чанғида учганда дастлабки кунларда 5—6 километр, кейинчалик эркакларга 25—30 километр, аёллар ва болаларга 8—12 километр юриш тавсия этилади.

Сўраган эдингиз...

ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

Ҳайвонлар ва паррандалар ҳам об-ҳаво ўзгаришига бефарқ қарамайдилар. Агар қуёш кечаси билан югуриб чиқса ҳаво яхши бўлади. Қорамол кундузи кўпроқ ухлаб, кам сув ичса — ёғингарчилик бўлади.

Сичқонлар қиш кунлари совуқ бўлса-да, ҳаво исишидан бир кун олдин инидан қорга чиқади. Ит ва мушуклар ҳаво совишидан олдин ғужанак бўлиб, думшуқларини олд оёқлари ёки думлари билан беркитиб ётадилар. Мушук тирноғи билан полни қиртишласа — қор майдалаб ёғади. Қор бўралаб ёғишидан олдин ит қорда юмалайди.

Қарға тумшуғини қаноти остига олса — совуқ бўлади, эрталаб дарахт тепасига ёки устунга қўнса, патларини тозалаб, қағилласа — қор ёғиб, шамол туради. Қарға ва зағчалар қишда осмонда галалашиб гир-гир айланишса — қор ёғади, қорга қўнишса — кун исийди, дарахт тепасига қўнишса — кун совийди, қанча баландга қўнишса, шунча совуқ бўлади; пастки шохларига қўнишса — шамол эсади.

А. ОБИДХЎЖАЕВ
тайёрлаган.

Билиб қўйган яхши

ЧАҚАЛОҚ БОР УЙДА...

Чақалоқ бор уйга гул қўйиш мумкинми!

М. Парпиева,
ёш она.

Чақалоқ парваришланаётган уйга гул қўйиш мумкин. Лекин бундай гулнинг ҳиди ўткир бўлмаслиги керак. Шумурт, наргиз, тунги гунафша, райҳон каби гул-ўсимликларни чақалоқ бор уйга қўйиб бўлмайди. Чунки гўдак у ёки бу аллергик таъсирларга, жумладан экссудатив диатезга мойил бўлса, бу гулларни ундан узоқроққа қўйган маъқул. Маълумки, ҳиди ўткир гуллар аллерген бўлиб касалликни зўрайтириши мумкин.

Э. САЛИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

ЭТЮД

Оқ момиқ:— Кўнглини топсанг мушук ҳам мулойим бўлиб қолар экан: олти ойдан буён битта шаҳарда, битта хонадондамиз. У менга ёвқараш қилмайди, мен ундан ҳадиксираб юрмайман. Эҳ, тотув яшашга нима етсин...

Бароқ:— Жониворнинг қалтирашини қаранг. Сизга ишонаман дейдию, ўзи дир-дир титрайди. Дўст бўламиз дедикми, дўст бўлайлик, айтилган гап— отилган ўқ.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Янги анъана—ҳаёт кўрки

ОЛТИН ТЎЙ

СУЛТОН ота Тўхтаев саксон икки ёшга қадам қўйди. Улуғ Октябрь инқилоби ғалаба қозониб, меҳнаткаш халқ бошига бахт қуёши нур соча бошлаганда у ўн уч ёшда эди. Отаси қурувчи уста, онаси уй бекаси бўлганди. Хуллас, у кўз очиб меҳнатни кўрди, ҳалол меҳнат қилишга одатланди. Тошкент шаҳрида замонавий босмаханалар ташкил этила бошлаганда Султон Тўхтаев биринчилардан бўлиб ишга кирди, матбаачилик сирларини ўрганди. Бора-бора устозлик даражасига кўтарилди, кўплаб шогирдларга таълим бера бошлади.

—Тошкентдаги биринчи босмаханада ишлаб турганимда. 1930 йилда улуғ Ленин партияси сафига ўтганман, ўшандан буён партиянинг солдатиман.— деб фахрланади С. Тўхтаев.

Ҳа, эллик беш йилдирки, у коммунист номини юксак кадрлаб келмоқда. Партия уни қайси вазифага йўллаган бўлса, шараф билан бажарди. Узоқ йиллар давомида Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатди, партия масъул лавозимларда ишлади, рафиқаси Кимёхон она билан тотув яшаб, ували-жували бўлди. Ҳозир бу оиланинг беш фарзанди, 26 набира ва 9 эвараси бор. Улар ҳам бувалари ва бувилари сингари меҳнатсевар, инсонпарвар кишилар бўлиб камол топишмоқда.

Ҳа, Султон ота ва Кимёхон оналарнинг сермазмун ҳаётлари кўпчиликка ибрат бўла олади. Шу боисдан ҳам Акмал Икромов район, «Оқтепа» маҳалла комитети уларнинг олтин тўйларини ўтказишга қарор қилди.

МАНА, табаррук отахон билан онахон тўрда ёнма-ён ўтиришибди. Фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, маҳалладошлари уларнинг атрофидан жой олишган. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, қалбида ўзгача қувноқ кайфият. «Тўйлар муборак» қўшиғи ижро этилгач икки табаррук, бахтиёр инсоннинг олтин тўйи очиқ деб эълон қилинди. «Оқтепа» маҳалла комитетининг раиси А. Саидов отахоннинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

—Маҳалламизда кўпчиликка намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган оилалар оз эмас,—деди у. —Тўхтаевлар ана шулардан бири ҳисобланади. Шахсий пенсионер Султон ота Тўхтаевнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ушбу шодиёна тўй маросимига тўпланган кишилар ҳам бу кишини беҳад қадрлайди. Сабаби, отахонимиз кўп йиллардан буён жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келяптилар. Маҳалламизда олиб борилган қурилиш ишларида, хусусан, ушбу муҳташам чойхона биносини бунёд этишда ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Биз, маҳалла аҳли, Султон отамиз ва рафиқалари Кимёхон аяни бугунги олтин тўйлари билан чин қалбдан қутлаймиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ШУНДАН кейин маҳалла отахонларидан —республика хизмат кўрсатган ўқитувчи Ғани Раҳимов, район ташкилотларининг вакиллари бирин-кетин минбарга чиқиб, табрик сўзлари айтишди, эсдалик совғалари топширишди. Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйининг созанда ва хонандалари эса ўзларининг жозибали қўшиқ, куйлари билан олтин тўйга жўшқинлик, файз киритиб туришди.

У. ЮСУПОВ.

Суд залидан

КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ НИҚОБИ ОСТИДА

Актюбинск областидаги Шубарқудуқ станциясининг врачи И. Пронин 120 кунлик прогулни касаллик варақаси билан «қонунлаштирди». Бу эса давлатга салкам 1200 сўмга тушди.

Машинист ёрдамчиси С. Таскарин хотини автостанция ходими эканлигини ва Актюбинскка бепул боришни таъминлаш олишини И. Пронинга шаъма қилди. Врач бундай «илтифот»га жавобан уч марта сохта касаллик ҳужжатини ёзиб берди.

Иккинчи марта шундай тил бириктириш «Сендан — угина, мендан —бугина» қабилида амалга оширилди. Машинист Н. Атраубаев ўн бир кунлик ғайри қонуний ҳордиқ учун Пронинни тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади. Сўнгра бу иш янада авжига чиқди —маст ҳолда жароҳатланган икки ходимга касаллик варақаси берганлиги учун текинхўр врач чўнтагига қирқ беш сўм пул тушди...

И. Пронин 4 йил озодликдан маҳрум этилиб, қучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида жазо муддатини ўташга ҳукм қилинди.

А. МАСЛЕННИКОВ,
ТАСС мухбири.

САЁҲАТ—РОҲАТ

БУГУН

Тошкент область касаба союзлари Советида чет эл туризмини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда 1986 йил — халқаро Тинчлик йилидаги тадбирлар кўриб чиқилди. Бу ҳақда область қасаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов доклад қилди.

Область касаба союзлар Советининг чет эл туризми бўлими бу йилнинг дастлабки туристлари ҳужжатларини тайёрлади. Пойтахт области ва Тошкент шаҳри ишчи-хизматчиларидан бир группаси Ўрта Ер денгизи мамлакатлари бўйлаб катта саёҳатга йўл олади.

Бу йил кўплаб туристик группалар Франция, Куба, Финляндия, Япония, Корея Халқ Демократик Республикаси каби мамлакатлар бўйлаб саёҳатларда қатнашадилар. Шри Ланка, Сурия, Иордания, Ҳиндистон мамлакатларига ҳам туристларнинг бориши мўлжалланмоқда.

Бу йил 3500 дан ортиқ саёҳатчининг турли мамлакатларга бориши режалаштирилди.

ЗАВҚЛИ САФАР

Тошкент мактабларининг ўқувчиларидан 1200 га яқин ўғил ва қиз белоён Ватанимизнинг турли шаҳарлари бўйлаб саёҳатдан қайтиб келди. Туристик группалар, Москва, Ленинград, Киев, Олмаота, Севастополь ва бошқа шаҳарларда бўлиб, диққатга сазовор жойлар билан қизиқиб танишдилар.

Тошкентдаги республика ёш туристлар станцияси мактаб ўқувчиларининг қишки каникулини ҳар томонлама завқли ва мазмунли ўтказишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Станция коллективи шаҳримиз ўқувчиларининг мамлакат бўйлаб саёҳатини ташкил этиш билан бирга қардош ўлкалардан меҳмон бўлиб келган ўқувчиларни ҳам кутиб олди. Меҳмон ўқувчилар пойтахтимиздаги В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, бир қатор театр ва маданият кошоналарини бориб кўрдилар, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигига бағишланган турли тадбирларда қатнашдилар.

Болалар саҳналаштирган опера

В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида ўнга яқин болалар ижодий студияси ташкил этилган. «Солнишко» болалар опера студияси фаолияти ҳам кенг ривож топди.

Ўтган йилнинг ўзида ҳаваскор ёш санъаткорларнинг бу маҳорат ўчоғида бир неча асар саҳнага олиб чиқилди. «Цокотух пашшалари» деб номланган опера асари асосида ҳозирланган парча ўз постановкаси ва саҳна безаклари билан ажралиб туради. У студия иштирокчилари ижрочилик маҳорати учун яна бир ижодий имтиҳон бўлди.

Машҳур болалар адиби К. Чуковскийнинг шу номли асари асосида композитор Н. Красев яратган мазкур спектакль студиянинг бадиий раҳбари М. Страхова бошчилигида тайёрланди. Ёш томошабинлар руҳига мос бу асар пионер ва ўқувчилар саройи ташкил топганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ҳозирланган юбилей концерт программасига киритилди.

КИБЕРНЕТИК ЎҚУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозир қатор билим ўчоқлари билан яқин алоқа боғлаган. Пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати педагогик ва ўқувчилар коллективи бу йирик илмий марказнинг оталиқ ёрдамидан айниқса мамнун.

Касб ва ҳунар масканида институт кучи билан информатика-компьютер жиҳозлари ўрнатишга киришилди. Амалий меҳнат кўникмасини ҳосил қилаётган ўқувчиларга «ЕС—40—30» маркали ҳисоблаш машинаси ҳам армуғон этилди. Бу ва шу каби бошқа «ақл»ли машиналар асосида ҳунар даргоҳида ҳисоблаш маркази ташкил топади. У келгусида ўзига хос кибернетик ўқув марказига айлантирилади. Бунинг учун яна қўшимча қурилма ва аппаратлар ажратиш кўзда тутилди.

«Кибернетика» бирлашмасининг мутахассислари «ақл»ли машиналарни бошқаришга доир методик адабиётлар, йўл-йўриқларни тайёрлаш устида ҳам иш олиб борадилар.

С. ОДИЛОВА.

ХАНДАЛАР

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Меҳмонхонадан кетаётган бир киши шу ердаги хизматкор болага «Менга қара, жуда шошиб турибман, ҳаёлимда хонада ниманидир унутиб қолдиргандайман. Югуриб бориб, кўриб келчи», деди.

Бола юқорига чиқиб кетди ва орадан 10 минутча вақт ўтгандан сўнг қайтиб тушиб, бетоқат кутиб турган киши олдига бамайлихотир яқинлашди.

— Хўш, нима гап? — деди меҳмон.

— Тўғри, сэр, — жавоб қилди бола, —стол устида ўроғлиқ бир нарсани унутиб қолдирибсиз. Қандай қўйган бўлсангиз, шундай турибди.

* * *

Фарзандларини яхши дам олдириш, соғлиғини мустаҳкамлашга аҳд қилган ғамхўр она уларни денгиз соҳилига олиб бормоқчи бўлди. Мана, ниҳоят поездга чиқиш машмашалари ортда қолди. Болалари унинг қаршисида—жануб томон ошиқаётган экспресс поездининг қулай купесида ўтиришибди. У болаларни менга ҳалақит бермангиз, мен сизларга қизиқ ҳикояларни ўқиб бераман деб огоҳлантирдида, шу мақсадда олган китобини очди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, катта ўғли сўради:

— Ойи, ҳозир поезд тўхтаб ўтган станциянинг номини биласизми?

—Йўқ, билмайман. Ҳалақит бермай жим ўтир, бўлмаса адашиб кетаман.

— Аттанг, билсангиз яхши бўларди.

— Нега энди?

— Укам станцияни бир айланиб чиқай деб, тушиб кетганди.

Инглизчадан Т. ЖУРАЕВ таржимаси.

КЛУБ ТАШАББУСИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида муваффақиятли иш олиб бораётган интернационал дўстлик клуби томонидан қатор ибратли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда олий ўқув юрти илмий атеизм, рус тили кафедраларининг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Илмий коммунизм кафедраси ўқитувчилари ишлаб чиққан лекцияларнинг текстлари ҳам клуб машғулотларини ташкил этишда жуда қўл келди. Уларда интернационал тарбиянинг мақсад ва вазифалари ёритилган.

Кафедрада стажировкадан ўтаётган чет эллик ёш мутахассислар ҳам ундан самарали фойдаланиб, ўз билимларини бойитмоқдалар. Чунончи, Монголия Халқ Республикаси давлат педагогика институтининг вакили Цзенбазар Лувсандорж ҳам кафедра олимлари ёрдамидан беҳад мамнун. Яқинда клуб аъзолари билан бўлган учрашувда у мўғул ёшлари ҳаёти ҳақида гапириб берди.

Клуб бундай учрашувларни чет эллик бошқа мутахассислар билан ҳам ўтказишни планлаштирди.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

КИНО

14 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«222-РЕЙС» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18.30, 20.50; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Нукус** (16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 18, 20, 20.45; телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (17, 20; телефон 35-24-92), **Ватан** (15, 18, 21.00; телефон 74-30-38).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — Санъат саройи (кичик зал, (17, 19.30).

«БИТИМ» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«НАФРАТ КУНИ» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ВИЙ» — М. Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

15 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«222-РЕЙС» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30 16, 18.30, 20.50; телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30 20.45; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00; телефон 35-24-92), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00; телефон 74-30-38).

ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30); **Лисунов** номли (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«САМРААТ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (11 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«НАФРАТ КУНИ» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ВИЙ» — Мақсуд Шайхзода номли (тоқ соатларарда, телефон 42-39-74).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/11 да **Севги тумори**, 16/1 да **Бўроон**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/11 да **Куёв**, 16/1, да **Аризасига кўкўра**.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

18, 25, 30, ЯНВАРДА

ПРЕМЬЕРА

Дж. Верди.

«Отелло»

4 пардали опера.

А. БОЙТО либреттосси.

МУЗИКА РАҲБАРИ ВА ДИРИЖЁР — СССР ҳалқ артисти, Ҳамза номидагиги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Д. АБДУРАҲМОНОВА.

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Ф. САФАРОВ.

РАССОМ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР давлат мукофотининг лауреати Г. БРРИМ.

Хормейстерлар — Л. І. ШИЛЬКРУТ, М. ЯНДРИНСКАЯ.

БАЛЕЙМЕСТЕР — СССР ҳалқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА.

Спектакль 18 ва 30 январда соат 19.00 да, 25 январарда соат 17.00 да бошланади.

Билетлар театр кассасасида сотилмоқда. Справкалар олиш учун телефон 33-90-81.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18, 19 ЯНВАРДА

РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Валентин ИВАНОВВ раҳбарлигидаги

УРГАТИЛГАН МАЙМУНЛАРР (шимпанзе)

АТТРАКЦИОНИНИНГ

ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ТОМОШАЛАР: 18 я январда —соат 16.00, 19.00 да; 19 январда — соат 13.00, 16.00да бошланади

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус — 14 дан 15.00 гача.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04.

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

Турист

1986 ЙИЛ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИГА ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1—МОСКВА— 6 кунга, 7, 19 март; 29 апрель; 4, 26, 29, май; 1, 7, 8, 11, 29 сентябрь; 5 октябрь ва 5 ноябрда. Путёвка баҳоси— 72 сўм.

370— ВИЛЬНЮС-НАРОЧЬ-МИНСК-БРЕСТ — 20 кунга. Февралдан май ойи ва сентябрдан декабрь ойи ичи жўналади. Баҳоси — 159, 179 сўм.

190—ВОЛГАНИНГ ДЕНГИЗГА ҚУЙИЛИШ ЖОЙЛАРИ БЎЙЛАБ (Астрахань)— 20 кунга. Июнь, сентябрь ойлари. Баҳоси — 116 сўм.

354—КАРЕЛИЯ КЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ—20 кунга. 23 июль, 12 августда. Баҳоси — 124 сўм.

343—ҚУТБ ДОИРАСИ ОРТИ—(Мурманск)—18 кунга. Июнь-август ойларида Баҳоси— 152 сўм.

74— ТЕРНОПОЛЬ ЎЛКАСИ БЎЙЛАБ — 18 кунга. 1 июнь, 7 июль, 12 августда. Баҳоси— 111 сўм.

73— УКРАИНАНИНГ ШАЦК КЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ— 18 кунга. Июль-августда. Баҳоси — 111 сўм.

72— ПСЕЛ ДАРЕСИ БЎЙЛАБ — 20 кунга. 2 июнь, 11 июль, 4 августда Баҳоси — 130 сўм.

169— УКРАИНА БЎЙЛАБ — 20 кунга. Июнь-сентябрь ойларида. Баҳоси —139 сўм.

11, 30, 42, 83, 88, 89, 319, 828—КАВКАЗ БЎЙЛАБ —20 кунга (сафар охирида Қора денгизда 6-9 кун дам олиш билан). Баҳоси — 97—127 сўм.

Бутуниттифоқ маршрутлари путёвкаларига 15 апрелгача бўлган вақт мобайнида самолёт билетларини 30 процент арзон баҳода сотиб олиш мумкин.

ТЕПЛОХОДДА САФАР:

ЛЕНИНГРАД-ВОЛГОГРАД-ЛЕНИНГРАД— 18 кунга. 18 майдан бошлаб. Баҳоси—320, 340, 365, 390 сўм.

ЛЕНИНГРАД-РОСТОВ-ЛЕНИНГРАД—23 кунга 23 майдан бошлаб. Баҳоси — 495, 525 сўм.

ЛЕНИНГРАД-АСТРАХАНЬ-ЛЕНИНГРАД— 22 кунга. 28 май. 31 август, 15, 22 сентябрда. Баҳоси — 415, 440, 470, 495 сўм.

Теплоходлар юксак даражада комфортли, 2 ўринли каюталар барча қулайликлар (кондиционер, душ, санузел)га эга. Теплоход маршрутларига болалар фақат 10 ёшдан бошлаб ва Болтиқ бўйи республикалари бўйлаб сафар путёвкалари бўлган ҳоллардагина қабул қилинадилар.

ПЯРНУ (Таллин, Рига)— **10 кунга, 21, 30 май, 6, 15 сентябрда Баҳоси— 113 сўм.**

УСТЬ-НАРВА (Таллиндан пастда)— **10 кунга. 28 май, 5, 15 сентябрда Баҳоси — 140 сўм.**

ИГНАЛИНА —17 кунга. 25 май, 23 август, 22 сентябрда. Баҳоси —180 сўм.

ТРАКАЙ-БИРИШТОНАС-ПАЛАНГА— 20 кунга. 30 майдан бошлаб. Баҳоси —218 сўм.

ТРАКАЙ-ЗАРАСОЙ— 10 кунга. 30 майдан бошлаб. Баҳоси — 140 сўм.

ВИЛЬНЮС-КАУНАС-РИГА — 16 кунга 30 майдан бошлаб. Баҳоси 185 сўм.

БЕЛОРУССИЯ БЎЙЛАБ:

ПРИПЯТЬ ДАРЕСИ БЎЙЛАБ— 16 кунга. 22 июнь, 6, 21 июль, 4 августда. Баҳоси — 188 сўм.

«БРОСЛАВСКИЕ ОЗЕРА» ТУРИСТИК БАЗАСИ —14 кунга. 18, 30 июнь, 19, 31 июль, 12 августда. Баҳоси — 140 сўм.

ПОДМОСКОВЬЕ— 12 кунга. 30 июндан бошлаб. Баҳоси —162 сўм.

«ИЛЬМЕНЬ» КЎЛИ (Новгород пастида)—**16, 17 июнда Баҳоси — 128 сўм.**

ЛЕНИНГРАД САЁҲАТЛАР БЮРОСИ МАРШРУТЛАРИ БЎЙИЧА ПУТЁВКАЛАР ҚИЙМАТИГА ЛЕНИНГРАДДАН МАРШРУТ БОШЛАНАДИГАН МАНЗИЛГА ҚАДАР ВА ЛЕНИНГРАДГА ҚАЙТИБ КЕЛИШ ЙЎЛ ҲАРАЖАТЛАРИ КИРАДИ. ФОЙДАЛАНИЛМАЙ ҚОЛГАН ЙЎЛ ҚИЙМАТИ ТУРИСТЛАРНИНГ ТАШАББУСИГА КЎРА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. **Бюро Ленинград шаҳрига муддатидан бурун етиб келган туристларни ётоқхона ва қайтиш билетлари билан таъминламайди. Болалар фақат 12 ёшдан бошлаб қабул қилинади.**

ҚУЙИДАГИЛАРГА БУЮРТМАЛАР БЕРИШ МУМКИН:

ЛЕНИНГРАД атрофларига қайиқ ва велосипедларда сайр қилиш маршрутларига туристик путёвкалар —20 кунга. Май, июнь, июль, августда йўлга чиқилади. Баҳоси —90-120 сўм.

КАВКАЗГА: ТЕРЕК-УРСДАН— 20 кунга. 16, 26 май, 10, 20, 30 июнь, 10, 20, 30 июль, 4, 14, 24 август, 8, 18 сентябрда. Баҳоси 120 сўм.

ТЕРЕК-КАХТИСАР— 20 кунга. 31, май, 20 июнь, 10, 30 июль, 19 август, 8 сентябрда. Баҳоси— 120 сўм.

ТЕРЕК (оилавий 2 кишига) — **20 кунга. 15 май, 4, 24 июнь, 14 июль 3, 23 август. Баҳоси — 234 сўм.**

СТАЦИОНАР ТУРИСТИК БАЗАЛАРИГА — 20 кунга: «БОРОВОЕ» (Москва бўсағасида), **«РАЗЛИВ»** (Ленинград бўсағасида), **КРАСНАЯ ПОЛЯНА — «КУДЕПСТА»** (Сочи) **«ПРИМОРСК»** (Севастополь),

«ПЯТИГОРСК», «ТЕБЕРДА», «ТЕРСКОЛ», «СУХУМИ», «ЯНТАРНИЙ БЕРЕГ» (Калининград), **«ЖДАНОВИЧИ»** (Минск), **«КАРПАТИ», «КОБУЛЕТИ», «БАКУРИАНИ»—январдан бошлаб апрель ва сентябрдан бошлаб декабрь ойлари ичи жўнаб кетилади. Баҳоси — 80-130 сўм.**

БОШҚИРДИСТОН ТУРИСТИК БАЗАЛАРИГА:

БОШҚИРДИСТОН БЎЙЛАБ ЧАНАЛАРДА САЙР— 16 кунга. Ноябрдан бошлаб февраль ойлари ичи. Баҳоси—149 сўм сўм.

«БУРАН» СНЕГОХОДЛАРИДА САЙР —16 кунга. Ноябрь ва февраль ойларида. Баҳоси — 148 сўм.

ОТДА САЙР ҚИЛИШ МАРШРУТИ БЎЙЛАБ— 16 кунга. Май-сентябрь ойларида Баҳоси —147-211 сўм.

ВЕЛОСИПЕДДА САЙР ҚИЛИШ МАРШРУТИ БЎЙЛАБ— 16 кунга. Июль-август ойларида. Баҳоси — 106 сўм.

«ДОН» ДАРЕ ДАЧАЛАРИДА САЙР —20 кунга. Июнь август ойларида. Баҳоси — 175 сўм.

ЮРЮЗАНЬ ДАРЕСИ БЎЙЛАБ БАЙДАРКАЛАРДА САЙР —15 кунга. Июнь-август ойларида. Баҳоси — 78 сўм.

ЕЛКАНЛИ ҚАЙИҚЛАРДА САЙР — 14-20 кунга. Июнь-август ойларида. Баҳоси — 110 сўм.

ҚИРҒИЗИСТОН БЎЙЛАБ:

«ИССИҚКЎЛ»ГА ПИЁДА САЙР — **20 кунга. Сентябрь ойида. Баҳоси—126 сўм.**

ЯНГИОБОД — **5, 10, 15 кунга (январь май ойларида.) Баҳоси—35, 70, 105 сўм.**

ЧИМЁН —**5, 10, 15 кунга. Март, май ойларида. Баҳоси—40, 80, 120 сўм.**

ПУТЁВКА ҚИЙМАТИГА ОВҚАТЛАНИШ, ЁТОҚХОНА ВА ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАРАЖАТЛАРИ КИРАДИ. ПУТЁВКАЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ПУТЁВКАЛАР БЎЙИЧА САЁҲАТГА ЖЎНАБ КЕТАЁТГАН ТУРИСТЛАРНИНГ ЁНИДА ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТЛАР БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ТЕПЛОХОД МАРШРУТЛАРИГА ПУТЁВКАЛАР НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Агентликдан харид қилинган путёвкалар яна қайтиб олинмайди.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Марказ-13, 35-уй (21-троллейбуснинг «Транспорт агентлиги» бекати). Телефон 41-80-15.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ип йиғувчилар, тиқувчилар, калава ўровчилар, ип пишитувчилар, тикув ва йигирув машиналари бўйича мастер ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ТУГАТГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал овқат ва иш кийими билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона қўшимча 40 сўм тўлайди.

ОБЛАСТДАН КЕЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий юртларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ПУЛЛИК АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДАШ КУРСЛАРИ МАВЖУД.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўгараклар ишлайди.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт) маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, ариза, тажриба ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5 «б» (37э, 45-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30-маршрутли таксининг «Қўйлиқ—5 «б» бекати).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган 4 ОЙЛИК ВА контролёр-кассирларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бир вақтнинг ўзида ўқувчилар кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТУГАТГАНЛАР ЙИРИК МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАНМА БИЛАН ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ҲАМДА УЛАРГА САВДО ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайлар, 2, 3, 22, 80, 161, 32-автобусларнинг «Госпиталь» бозори» бекати).

Справкалар олиш учун телефон 55-75-15.

ТВ

ЧОРШАНБА, 15. I

МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.15 «Олис осмон». Бадиий фильм (Югославия).
11.20 «Усимликлар дунёси».
12.05 «Фақат мюзик-холлда». Телевизион бадиий фильм.
13.10 «Мени шамолдек учир, қиш». РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди.
13.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Инсон ва савдо» («Киевнаучфильм»), «Ўзбекистон чинниси» (Тошкент), «Қўли гул кишилар» (Новосибирск).
16.10 «Экран дўстларни чорлайди». «СССРнинг Хакасия автоном области — Монголиянинг Жанубий Гоби аймоғи — бирадарлашганлар».
16.55 «Иши қониқарсиз деб топилсин». Полтава область Козельшчин район партия ташкилотининг иши ҳақида.
17.30 Тўпли хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР—Швеция терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади.
18.15 «Ҳаётимиз программаси». КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаларини муҳокама қиламиз.
18.30 «Бобомнинг сурнайчаси». Мультипликацион фильм премьераси.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кусково». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).
19.40 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги. Эркаклар. МАСК—«Хувентуд» (Испания). Испаниядан олиб кўрсатилади.
20.20 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси).
21.30 «Время».
22.05 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 Арманистон Давлат халқ қўшиқлари ансамблининг концерти. Ереванда олиб кўрсатилади.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Саян сўқмоқлари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).
9.35, 10.35 Тарих. 10-синф. Америка Қўшма Штатлари.
10.05, 14.00 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. «Астрономия ва космонавтика».
11.35 М. Горький. «Болалик». 6-синф.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 Умумий биология. 9-синф. Органик дунё системаси эволюциянинг ифодаси сифатида.
13.40 Ботаника. 6-синф. Ёпиқ уруғлилар.
14.30 Табиатшунослик. 2-синф. Қишловчи қушлар.
14.50 «А. С. Пушкин театри». 2-кўрсатув.
15.35 Мактаб ўқувчиларига физиология ва гигиена ҳақида. Мактаб ўқувчисини руҳан ривожлантириш.
16.05 «Поэзия». В. Хлебников.
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кашфиётсиз кашфиёт». Илмий-оммабоп фильм («Беларусьфильм»).
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Қизил гул». Мультфильм. 2-қисм.
20.50 «Устахона нега ёниб кетди?» Ҳужжатли фильм (Куйбишев кинохроника студияси).
21.00 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». Рус музикаси.
21.30 «Время».
22.05 В. Катаев. «Душанба— оғир кун». Телевизион спектакль.
23.15 «Совет Россияси» VII республика кўргазмаси.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Б—2023. Р—12521. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.